2008 ЙИЛ, 9 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (11.192)

Баҳоси эркин нархда



## 2008 — Ёшлар йили

## ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИНИНГ ЕВРОПАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

**УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ЎҚУВЧИСИ НОДИРА ДАДАМУҲАМЕДОВА БУДАПЕШТ ШАҲРИДА ЎТГАН ЁШ ПИАНИНОЧИЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва қобилиятини тўла намоён этиши учун барча имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш истеъдод эгаларининг турли халқаро танловларда қатнашиб, Ўзбекистон ёшлари салоҳиятини оламга танитаётгани ҳам ана шу ғамхўрлик самараларидандир.

Мусиқага ҳавас қўйган Н.Дадамуҳамедова Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейига ўқишга кирганида етти ёшда эди. У моҳир педагог Алла Ким раҳбарлик қилаётган синфда таҳсил ола бошлади.

Моҳир педагог Алла Кимнинг айтишича, фортепиано бўлимининг 6-синфини тугатган Н.Дадамуҳамедова ижодга ташна, тиришқоқ қиз. Нодира мамлакатимизда ўтказиб келинаётган "Санъат ғунчалари", "Янги авлод" каби кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб, ўз маҳоратини намойиш қилиб келмоқда. Унинг репертуаридан Мухтор Ашрафий, Икром Акбаров, Сайфи Жалил, Рустам Абдуллаев, Дилором Омонуллаева сингари ўзбек композиторлари билан бир қаторда жаҳон классик композиторларининг ҳам кўплаб асарлари ўрин олган. Нодира Греция, Франция, Италия, Эстония, Португалияда ўтказилган ёш пианиночиларнинг халқаро танловларида иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлган.

— Будапештда ўтган халқаро танловда Россия, Япония, АҚШ, Италия, Украина каби мамлакатлардан ёш пианиночилар иштирок этди, — дейди Нодира. — Мен Бетховен, Шопен, Бах асарларидан намуналар ижро этдим. Ижроим юксак баҳоланганидан ниҳоятда севиндим. Танловда лицейимиз ўқувчиларидан Зарина Агаева ва Тамара Акбарова ҳам ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритди. Бу мамлакатимизда ёшлар камолотига берилаётган улкан эътибор самараларидандир. Биз, ёшлар бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз ва Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак бўлишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

**Бахтиёр МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Сарвар Ўрмонов олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

## БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш, уларни мусиқий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болалар мусиқа ва санъат мактабларини, шунингдек, Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

бошланғич мусиқий таълимни ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш, ушбу йўналиш бўйича мутахассислар ҳамда педагогларнинг маҳорати ва малака даражасини ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, улар орасида истеъдодларни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг моддий-техник ҳамда умумтаълим ўқув базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш.

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг касбий йўналишига оид фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон давлат консерваторияси зиммасига юкланиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойишига биноан тузилган Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган, қуйидаги масалаларни ўз ичига олган Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) тасдиқлансин:

2009-2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш тадбирлари 1-иловага мувофиқ;

2009-2014 йилларда янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг асосий параметрлари 2-ва 3-иловаларга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси "Даврахитектқурилиш" қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар мусиқа таълими соҳасидаги мутахассис ва педагогларни жалб этган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 1-типи учун 200 ўқувчига ва 2-типи учун 150 ўқувчига мўлжалланган иккита намунавий лойиҳа ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш Ўзбекистон Республикаси "Даварахитектқурилиш" қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 1-ва 2-типдаги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ушбу қарорга биноан тасдиқланган Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда самарали ва сифатли бажарилишини таъминласин;

ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг аниқ сони ва рўйхатини кўрсатган ҳолда, уларнинг янгиларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, зарур асбоблар, ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгиласин;

2009-2010 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси ва Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги академик лицейларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун зарур бюджет маблағлари, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағларни назарда тутсин.

4. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгитдан қуриш учун майдонларни танлашда тасдиқланган норматив ва параметрларга мувофиқ уларнинг, қоида тариқасида, албатта республика туман ва шаҳарларининг турар-жой массивларида жойлаштирилиши ҳисобга олинсин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари зиммасига юклатилади;

маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳага тегишли қарорлардан ҳар қандай четга чиқишларга фақат бош лойиҳа институти билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан тасдиқланган тақдирдагина йўл қўйилади;

***(Давоми 2-бетда).***

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** шаҳримизда сиёсий партиялар вакиллари, нодавлат-нотижорат жамоат ташкилотлари ходимлари, фаол ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маҳалла институтининг роли муҳокама қилинди.

●**РЕСПУБЛИКА** ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия марказининг туғруқхона бўлимига оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида замонавий тиббий жиҳозлар туҳфа этилди.

●**КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятига бағишлаб туман фаоллари, тадбиркорлар иштирокида ўтказилган семинар Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

●**КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент Давлат юридик институтининг магистратура бўлимини тугатган 200 нафар магистрларга дипломлар топширилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошида ёш мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида ёзги мактаблар ташкил этилди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Республика бадиий жамоалари хореография ўқитувчилари иштирокида ўтказилган ўқув семинари Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан уюштирилди.

●**«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ёш тадбиркорлар ўртасида ташкил этилган «Ёш тадбиркор—элга мададкор» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шоазим Миноваров ушбу мамлакат Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборакка ишонч ёрлиқларини топширди.

Миср Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 январда ўрнатилган.

Ўтган йиллар давомида барча соҳаларда Ўзбекистон ва Миср ҳамкорлиги фаол ривожланди.

2007 йил 17-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мисрга бўлиб ўтган ташрифи икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ташриф чоғида эришилган келишувлар бугунги кунда икки дўст давлат халқлари фаровонлиги йўлида муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

**«Жаҳон» АА**

## ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**ЯПОНИЯ ПОЙТАХТИДА «ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари билан бир қаторда «Кунчиқар юрт»нинг ноҳукумат ташкилотлари маркази, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, «Япония-Ўзбекистон» уюшмаси, Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ этиш институтининг етакчи экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир чоғида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) қайта тикланиши жараёнлари, уларнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Давра суҳбати давомида Япония томони Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда жамоат ташкилотларининг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги иштироки ҳақида батафсил маълумот олди. Шунингдек, уларга давлат ва жамият қурилиши жараёнларига аҳолини ҳар томонлама жалб этиш, «Ёшлар йили» Давлат дастури ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берилди.

***(Давоми 3-бетда).***

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Фарғона политехника институтида вилоят Адлия, Ички ишлар бошқармалари, прокуратура, сиёсий партиялар, маҳаллалар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

**●Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида «Келажак овози—2008» ёзги ўқув-ҳордиқ тадбири бошланди. Мамлакатимизнинг 400 нафар энг иқтидорли ёшлари — «Келажак овози» танлови ғолиблари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг таълим грантлари, стипендиялари соҳиблари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ўн кун давомида ўқув-тренинг машғулотларида, турли кўнгилочар тадбирларда қатнашадилар.**

**●Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусидаги қўшиқ байрами Қашқадарё вилоятида ҳам якунланди. Унда ғолиб чиққан уч нафар ижрочи танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**●2008 йил Ўзбекистон саноати учун ўзига хос йирик босқич бўлиб қолади. Негаки, жорий йилда «GM-Ўзбекистон» автозаводи конвейерларидан фаолият бошланганидан буён ишлаб чиқарилаётган миллионинчи автомобиль чиқиб мижозларга етказиб берилади.**

**●Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Сиёсий партиялар: ривожланиш жараёнлари» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**

**●Тошкент шаҳрида жойлашган «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида «Ёзги таътил—2008» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.**

**●Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида вилоят халқ ижодиёти маркази, «Камолот» ЁИҲ, Жиззах давлат педагогика ҳамда политехника институтлари ҳамкорлигида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» кўрик-танлови ўтказилди.**

**●«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент вилояти минтақавий филиалининг имтиёзли кредити туфайли 2007 йилда қишлоқ хўжалик тармоғи 33 та замонавий техникага эга бўлди. Жорий йил учун эса бу мақсадга 207 миллион сўм ажратилди. Бу маблағ ҳисобига фермер хўжаликлари 5 та замонавий трактор ҳамда улар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар харид қилдилар.**

### ЖАҲОНДА

**●Кеча Японияда давом этаётган «Катта саккизлик» саммити иштирокчилари иқлимнинг глобал исиши муаммосини ҳал этиш бўйича 2020 йилга қадар углерод чиқиндиларини камида 50 фоизга қисқартириш ҳақида келишиб олдилар. Ушбу саммит бугун ўз ишини якунлайди.**

**●Грузия ва Абхазия ўртасидаги можароларни ҳал этиш ҳамда Грузиянинг НАТО таркибига кириши масалалари юзасидан маслаҳатлашиб олиш мақсадида АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Тбилисига келди.**

**●Кеча Чехияда АҚШнинг ракетага қарши мудофаа тизимини Чехия ҳудудида жойлаштириш юзасидан икки томонлама шартнома имзоланди. Эндиликда ушбу ҳужжатнинг ҳуқуқий мақомга эга бўлиши учун уни мамлакат парламенти ратификация қилиши керак.**

**●Корея ярим оролларидаги вазиятни муҳокама қилиш учун йиғилаётган Хитой, Шимолий ва Жанубий Корея, Россия, АҚШ ва Япония делегацияларининг навбатдаги учрашуви 10 июлга белгиланди ва унда ўзаро келишув шартларининг бажарилиши, жумладан, Пхеньян томонидан ядро дастурининг ошкор этилиши, шунингдек, Йонбендаги тадқиқот маркази реактори мосламаларини йўқ қилиш масалаларига асосий эътибор қаратилиши режалаштирилди.**

**●Перунинг Охапампа туманида Рихтер шкаласи бўйича 5,3 баллик кучли ер силкиниши содир бўлди. Зилзила оқибатида 250 га яқин турар жой биноси, юздан зиёд иншоот ва йўллар вайрон бўлган, 40 га яқин киши оғир жароҳатланган.**

**●Сўнгги маълумотларга кўра Боливияда юк машинасининг жарга қулаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 46 кишига етди.**

**●Жаҳон савдо биржаларида бир баррел нефтнинг нархи беш доллардан кўпроқ қийматда арзонлашди.**

**●Шу йилнинг 28 май куни Сомали қирғоқларида денгиз қароқчилари томонидан гаровга олинган «Леман Тимбер» кемаси 750 минг долларлик тўлов эвазига қароқчилар қўлидан озод этилди.**

**●Ирландиянинг «Конрой даймондс энд гоулд» компанияси мамлакатнинг Монахан графлигида ҳажми бир миллион унциядан зиёд олтин конини аниқлади. Компания раҳбари Ричард Конройнинг сўзларига кўра, ушбу кон катталиги бўйича Буюк Британияда биринчи ўринда туради. У сўнгги ўн йил ичида аниқланган илк олтин конидир.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

янгитдан қурилган ҳамда капитал реконструкция қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини фойдаланишга қабул қилиш 4-иловага мувофиқ таркибдаги Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган сифат стандартлари ва намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади;

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда малакали педагог кадрлар билан тўлдириш масъулияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

6. Қуйидагилар:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларга асосланмаган ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва уларни капитал реконструкция қилиш;

янгитдан қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларида тиклаш ишларини амалга оширишда 2- ва 3-иловаларда кўрсатилган параметрларга қаттиқ риоя қилинсин ва уларни бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш қатъиян тақиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича ишларни батамом тугатиб топшириш шарти билан танлов пудрат тендер савдоларини ўтказиш ўз вақтида ва аниқ ташкил қилинишини таъминласин;

буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан, жумладан, тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бажарилган лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифатига қатъий риоя этилиши устидан қаттиқ мониторинг ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Давархитектқурилиш" қўмитаси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларидаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга, шунингдек, тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига қатъий риоя этилиши бўйича шахсий масъулият юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Давлат дастурига киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2015 йилнинг 1 январига қадар Давлат дастури доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган мусиқа асбоблари ва махсус ускуналарга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойиши асосида тузилган Республика комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатига тасдиқланган умумий параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

12. Бошқарув ходимларининг чекланган сонини тегишли равишда кўпайтирган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида 7 кишидан иборат Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг тузилмаларида болалар мусиқа ва санъат мактабларини мувофиқлаштириш бўйича 2 кишидан иборат бўлинмалар ташкил қилинсин.

13. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб борсин;

ҳар йили ярим йил ва календарь йили якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида тасдиқланган Давлат дастурини амалга ошириш натижаларини муҳокама қилиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 8 июль*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 2008 ЙИЛ 8 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИГА

## ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш ва маданий даражасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" қабул қилинган қарори ушбу сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Қабул қилинган ушбу Дастур келгусида фарзандларимизнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқалари ҳамда тасвирий санъат намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Ушбу Дастур моҳият эътибори билан мамлакатимизда бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутади.

Дастурни 2009-2014 йиллар мобайнида амалга ошириш мўлжалланган. Бу даврда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг замонавий моддий-техник базасини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу ўринда Дастурда 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та мусиқа мактабини эса капитал таъмирлаш, уларни тобора ўсиб бораётган замонавий талаблар ва намунали лойиҳаларга мувофиқ таъминлаш назарда тутилганини қайд этишнинг ўзи кифоя. Ушбу мактабларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мусиқа асбоблари, ўқув ва мусиқа ускуналари билан жиҳозлашга катта эътибор берилган. Умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа бўйича ўқув ва услубий қўлланмаларни замонавий мезонлар, ўқув стандартлари ва дастурлари асосида такомиллаштириш кўзда тутилган.

Мазкур Дастурда ҳозирги вақтда болаларни мусиқий таълим ва санъатга жалб этиш мажбурий эмаслигидан келиб чиқилган ҳолда, ўқув жараёнлари орқали уларнинг умумий маданияти ва интеллектуал савиясини ошириш назарда тутилган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар ҳамма ота-оналар ҳам ўз фарзандларига мусиқий таълим бериш, уларни санъатга жалб этиш истагини рўёбга чиқариш бўйича реал имкониятга эга эмас эдилар. Фаолият кўрсатаётган мусиқа мактабларининг моддий базаси тобора ортиб бораётган талабларга тўла жавоб бермайди, улар мусиқа ва санъат билан самарали шуғулланиш учун етарли шарт-шароитга эга эмас. Мусиқа мактабларининг 80 фоиздан зиёди мослаштирилган биноларда жойлашган, улар мусиқа асбоб ва ускуналари билан етарли даражада таъминланмаган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мусиқа ва санъат билан шуғулланиш болаларни интеллектуал ҳамда маънавий ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу масалага ғоят жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов келажак интеллектуал ва маданий томондан юксак тараққий топган миллат ва халқларнинг қўлида бўлиши ҳақида бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Қабул қилинган мазкур Давлат дастури ушбу мақсадга эришишда асосий таянч бўлиб хизмат қилади.

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган катта миқдордаги маблағлар унинг кўлами нечоғлик кенглигидан яққол далолат беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастурни 2009-2014 йилларда амалга ошириш учун 355 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун 240 миллиард, уларни мусиқа асбоблари, ускуналари ва инвентарлар билан таъминлаш учун эса 115 миллиард сўм йўналтириш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича ягона буюртмачи сифатида белгиланди. Бу бежиз эмас. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш умумтаълим мактаблари ва болалар спортини ривожлантириш дастурлари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бу эса жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол, маънан бой ёш авлодни шакллантиришга қаратилган.

Шуниси ўта муҳимки, ушбу маблағлар, аввalambор бошланғич мусиқий таълимнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги турдаги муассасалари бўлмиш мусиқа ва санъат мактабларининг амалда янги ва замонавий моддий-техник базасини яратишга йўналтирилади. Мусиқа ва санъат мактаблари қуришга республикамиз туман ва шаҳарларидаги турар-жой массивларидан жой ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунда уларни нафақат вилоятлар марказлари, балки энг аввало қишлоқларда болаларнинг яшаш жойларига имкон қадар яқин бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, қабул қилинган қарорда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг Давлат дастурида белгиланган мақсадларга тўлиқ жавоб берадиган моддий-техник базасини ташкил этишга катта эътибор қаратилган.

Шу мақсадда республикамизнинг етакчи лойиҳа институтлари томонидан, мусиқий таълим ва санъат соҳасидаги ўқитувчи ва мутахассисларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг икки хил намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳалар мамлакатимиз ва етакчи хорижий давлатлар тажрибасини мужассам этган бўлиб, уларда миллий анъана ва хусусиятлар ҳам ҳисобга олинган. Ушбу намунавий лойиҳалар мактаблар қуриладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларини, таълим оладиган ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, 200 ва 150 нафар болага мўлжалланган. Бунда янги қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган объектларнинг 70 фоизи иккинчи турдаги намунавий лойиҳага тўғри келади. Бунинг сабаби эса мазкур мактабларнинг катта қисми кичик шаҳарлар ва қишлоқ туманлари марказларида жойлаштирилиши билан боғлиқ. Бундан кўзланган мақсад имкони борича кўпроқ болаларни мусиқа ва санъатга жалб этишдан иборат.

Фаолият кўрсатаётган мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш бўйича Дастурда белгиланган чора-тадбирлар бу мактабларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мос бўлишини назарда тутади.

Қолаверса, молиялаш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларни қўлламасдан, тасдиқланган қурилиш нормалари ҳамда стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш қатъиян ман этилади.

Болалар мусиқа ва санъат таълими соҳасидаги турли йўналишларнинг ўзаро уйғунлиги ва мувофиқлигининг эътиборга олингани тасдиқланган намунавий лойиҳаларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Масалан, намунавий лойиҳаларда мусиқа ва хонандалик билан якка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб шуғулланиш учун ихтисослашган синфлар қулай тарзда жойлаштирилган. Хореография, миллий рақс билан шуғулланиш учун синфлар ҳам кўзда тутилган. Рассомлик, ҳайкалтарошлик синфлари, компьютер графикаси каби замонавий санъат турлари билан шуғулланиш учун синфлар бор. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва металлга ишлов бериш, зардўзлик буюмлари, макраме, гобелен ва гиламлар тайёрлаш бўйича кўплаб миллий амалий санъат устахоналари мавжудлигини алоҳида қайд этиш даркор.

Бундан ташқари, лойиҳаларда мусиқа ва санъат мактабларида ижодий муҳит яратиш, ёш авлодни баркамол ривожлантириш мақсадида ахборот-ресурс марказлари, назарий машғулотлар синфлари, маънавият ва маърифат хоналари ҳам кўзда тутилган.

Шу билан бирга, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилар ўз маҳоратини намоён этиши, кўргазмалар ташкил қилиниши мумкин бўлган ўзига хос маданият марказларига айланиши лозим. Шу мақсадда намунавий лойиҳаларда кўрик-танловлар ва бошқа маданий тадбирларни ўтказиш учун концерт заллари, шу жумладан, ёзги концерт заллари бўлиши назарда тутилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг шу тариқа ташкил этилаётган инфратузилмасида ушбу мактабларда таълим жараёнининг мазмун-моҳиятини тубдан яхшилаш кўзда тутилган бўлиб, бу болаларнинг истеъдод ва қобилиятини эрта, юқори даражада аниқлаш, уларни тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Табиийки, бундай замонавий ва яхши жиҳозланган мактабларда юксак малакали ўқитувчилар меҳнат қилиши керак. Шунинг учун мусиқа ва санъат мактабларини юксак малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам ушбу Дастурнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Бу ўринда гап, аввало, малака ошириш марказлари ва факультетларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ҳамда концертмейстерларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш, олий ўқув юртларида мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида мусиқа асбобларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Замонавий моддий-техник база, юқори малакали педагоглар, бой тажрибага эга бўлган ушбу консерваторияда бунинг учун барча зарур шароитлар мавжуд. Шунинг учун консерваторияга мусиқа мактаблари фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилмоқда.

Дастурда мусиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларига муҳим ўрин ажратилган. Кам таъминланган оилаларга мансуб истеъдодли болаларнинг ўқиши учун пул тўлаш бўйича имтиёз бериш, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида республика болалар фестиваллари ҳамда кўрик-танловларини мунтазам ўтказиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Дастурнинг "Ёшлар йили"да қабул қилингани алоҳида аҳамият касб этади. Уни ўз вақтида ва тўлақонли амалга ошириш мамлакатимиз ёшлари истеъдоди ва қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш ва маданият даражасини янада ошириш борасида яна бир муҳим қадам бўлади.

*Иқтисодиёт*

# ХАРИДОРГИР ФУРНИТУРА БУЮМЛАРИ

**БУГУНГИ КУНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎЗ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛИДА ИНТИЛАР ЭКАН, ДАСТАВВАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ. ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА БУНДАЙ КОРХОНАЛАРНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.**

Шаҳримизда 1999 йилдан буён фаолият юритаётган «Med-fur-servis» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам ички бозоримизни сифатли металл фурнитура буюмлари ҳамда харидоргир халқ истеъмоли моллари билан тўлиқ таъминлаш йўлида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

—Жорий йил бошида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида, —дейди корхона раҳбари Шавкат Халилов, — Республикамиз Президенти 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига тўхталиб, «Учинчи устувор йўналиш—аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат», деб алоҳида таъкидладилар. Бу бежиз эмас. Яна бир нарсани айтиш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизнинг ривожланишида кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари шубҳасиз, ҳал қилувчи поғонани эгаллаб келмоқда. Уларнинг фаолияти эркинлиги таъминланмоқда. Бироқ, бу хоҳлаганча иш қилиш мумкин дегани эмас, албатта. Аксинча назоратнинг камайиши тадбиркорларимизнинг ҳам, текширувчи органларнинг ҳам қонунчиликка бўйсуниш бобида масъулияти янада кучайиши лозимлигидан далолат ҳисобланади.

Мазкур корхонада бугунги кунда 80 нафардан ортиқ малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Ҳар бир жамоада меҳнат аҳлига яратилган қулай шарт-шароитлар уларнинг моддий-маънавий манфаатдорлигини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти сифати, меҳнат унумдорлигида муҳим ҳисса бўлади. Шу боис, жамият аъзолари ҳар ойда ўртача 130 миллион сўмликдан ортиқ буюртмани бажариб, мижозларини мамнун қилишмоқда.

Цехларда ўрнатилган самарали Россия давлати ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг дастгоҳ ва ускуналари мададида 60 турдан ортиқ сифатли фурнитура буюмлари, халқ истеъмоли моллари узоқ йиллик шартномалар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхонанинг Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, якка тартибдаги буюртмачилари қаторига 2005 йилдан юртимиздаги —Асакадаги автомобиль ишлаб чиқарувчи завод ҳам қўшилди. Муҳими, жамоа аҳли жорий йил охиригача автомобилларга эҳтиёт қисмлари учун деталлар тайёрлаш ҳажмини ошириб, 50 турдан ортиқни ташкил этиши режалаштирилган.

Корхона тадбиркорлари доимий изланишда, боиси бу давр талаби. Цехларни модернизациялашни қатъий қилиб белгилаган маъмурият яқин кунларда Хитой давлатидан энг янги замонавий техника—дастгоҳлар келтиришни амалга оширмоқда. Ҳадемай корхона аҳли ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот турларини кўпайтиради.

Қувонарлиси, жорий йил бошидан ушбу корхонада 14 та касаначилик асосида иш ўринлари яратилиб, жамият жойлашган Сергели туманидаги маҳалланинг фуқаролари иш билан таъминланди. Барча имкониятлардан оқилона фойдаланаётган «Мер-fur-servis»чилар «Интилганга толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмаслигини дилдан ҳис қилган ҳолда унумли меҳнат қилмоқдалар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ЯНА 15 ТА ЭЛЕКТРОВОЗ

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН ЯНГИ ЭЛЕКТРОВОЗЛАР ОЛИБ КЕЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ.**

Хитойлик машинасозлар билан тузилган битимга кўра бундай транспорт воситаларидан 15 таси харид қилинади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик корпорацияси Ўзбекистон темир йўлини электрлаштириш учун тўртта тортиш подстанцияси ва махсус технологик ускуналарни етказиб берди.

Янги электровозлар ҳам имтиёзли кредит асосида олиб келинади.

# КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИ

**«ТЕХНОСЕРВ А/С» КОМПАНИЯСИ РОССИЯДА ЮҚОРИ НУФУЗГА ЭГА БЎЛГАН ИНФРОКОММУНИКАЦИОН ТИЗИМ ТАРМОҒИ СИФАТИДА 15 ЙИЛДАН БЕРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОНДА УНИНГ ФИЛИАЛИ ОЧИЛИШИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНЕРГЕТИКА, МУҲАНДИСЛИК СОҲАСИНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.**

Мустақил техникавий негизга эга бўлган бу филиал ташкил топганига бир йил бўлди. Бу орада қатор лойиҳалар амалга оширилди. Ҳисоблаш ва соҳавий инфратузилма доирасидаги изланишлар ҳам ўз ижобий натижасини бераётир.

**Акбар АЛИЕВ**

*Истиқлол – эркин ва фаровон келажагимиз гарови*

# СЕРГЕЙ ЛАГУТИННИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

**ЯПОНИЯ ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЎТГАН "TOUR DE KOREA-JAPAN — 2008" КЎПКУНЛИК ВЕЛОПОЙГАДА ЎЗБЕК СПОРТЧИСИ СЕРГЕЙ ЛАГУТИН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ.**

"Tour de Korea-Japan - 2008" кўпкунлик велопойгалари Осиё қитъасининг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланади. Йигирмадан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этган мазкур турнирнинг дастлабки икки босқичи Японияда ўтказилди. Жанубий Кореяда давом этган навбатдаги ўн босқичда — Франция, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Австралия каби мамлакатларнинг терма жамоалари иштирокида кечган кескин курашларда Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни олди. Терма жамоа етакчиси Сергей Лагутин эса халқаро мусобақанинг 220 километрлик пойгасида маррага биринчи етиб келди.

Кўпкунлик пойгаларнинг барча — ўн икки босқичида юқори ўринлар учун курашган С.Лагутин "Tour de Korea-Japan - 2008" мусобақаси ғолиби бўлди. Бундан ташқари, тоғли ҳудудларда тезкорлик ва бардошлилигини намойиш этгани учун турнирнинг "Энг яхши тоғ пойгачиси" махсус совринини ҳам қўлга киритди.

— Халқаро турнирларда Ватанимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш биз, спортчилар учун ҳамиша юксак шарафдир, — деди С.Лагутин. — Эришаётган ютуқларимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини намоён этишига қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

1981 йили Фарғонада туғилган С.Лагутин юртимизнинг энг кучли велоспортчиларидан. 23 ёшгача бўлган велоспортчилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган.

Айни пайтда С.Лагутин август ойида Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Тошкент халқаро аэропортида нуфузли мусобақа ғолибини вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт мухлислари тантанали кутиб олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

---

# ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

**"ЭКОСАН" ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ва Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида мазкур қонун ижроси муҳокама қилинди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ушбу қонун табиат ва инсон муносабатларини тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда аҳолининг табиатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари, табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш, фавқулодда вазиятлар, хўжалик ва бошқа фаолият турларига бўлган экологик талаблар ҳамда қонунни бузганлиги учун жавобгарлик масалалари қамраб олинган.

Юқорида номлари келтирилган ташкилотлар берган маълумотларга кўра, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини қўпол равишда бузганликлари учун 2006 йилда 14,4 минг нафар, 2007 йилда эса 18,9 минг нафар мансабдор шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган. Атроф-муҳитга келтирилган зарар бўйича солинган жарималар 2006 йилда 379,2 миллион сўм, 2007 йилда 933,2 миллион сўмни ташкил этган.

Ўтган йил давомида икки минг беш юз саксон саккизта хўжалик юритувчи субъектларда давлат назорати амалга оширилиб, 207,9 минг атрофида манбалар текширилган. Натижада 19,6 мингта табиатни ифлослантираётган манбалар аниқланган.

– Айни пайтда табиатга зарар келтираётган, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи корхоналар сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати шулар жумласидандир. Республика бўйича барча стационар манбалар томонидан чиқарилаётган чиқиндиларнинг 12 фоизи ва олтингугурт диоксидининг 26 фоизи ушбу ташкилот ҳисобига тўғри келади, – дейди "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов. – Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам, ана шундай ташкилотларни излаб топиш, уларга қонун орқали чора кўриш ва табиатни ифлослантиришларига чек қўйишга қаратилган.

Жамоатчилик эшитувида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган бир минг тўққиз юз йигирма учта корхона, цех, кўчма манба ва объектлар фаолиятининг вақтинча тўхтатиб қўйилиши ҳисобига ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосига ташланишининг етмиш тоннага камайтирилганлиги айтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирокида ўтган ушбу тадбирда энергетика, металлургия, нефтгаз соҳаларидаги корхоналарда тозалаш иншоотларини таъмирлаш, агрокимёпрепаратларини тўғри қўллаш, тупроқларни ювиш сифати ва хўжаликлардаги коллектор-дренаж сувларини тозалаш жараёнлари устидан назоратни кучайтириш тавсия этилди.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

---

# ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Тадбир иштирокчилари эътибори Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60-йиллигига бағишланган тадбирлар дастурини амалга ошириш, адвокатура сингари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларини ислоҳ қилиш, Суд тизимини демократлаштириш бўйича тадқиқот институтини ташкил этиш, экологик муаммолар ечимида жамоат ташкилотлари иштироки каби масалаларга қаратилди.

ННТ фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг тўлақонли фаолият юритиши учун яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими яратилган. Жумладан, 2007 йилда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Минтақавий сиёсат жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, шунингдек юртимиздаги бошқа кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсад ҳамда вазифалари, улар томонидан сўнгги пайтларда ўтказилаётган турли тадбирларга доир ахборотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати чоғида Ўзбекистон ННТ фаолиятини атрофлича ёритиб борувчи, кўп минг нусхада чоп этилаётган «Жамият» ва «Келажак овози» газеталари ҳамда «Фуқаролик жамияти» журналининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Япониялик экспертларнинг эътироф этишича, юқорида тилга олинган ташкилот ва нашрларнинг фаолияти Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг деярли барча жабҳаларини – фермерлик ҳаракатидан тортиб, оммавий ахборот воситаларигача бўлган соҳаларни тўла қамраб олгани ҳолда мамлакатда давлат томонидан қўллаб қувватлаб келинаётган кўпсонли ва мустақил нодавлат ташкилотларининг тузилмавий асоси мавжуд эканини тасдиқлайди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби йирик нодавлат нотижорат ташкилотнинг Японияда ўтказиб келаётган тадбирлари эса япон халқи томонидан доимо катта қизиқиш билан қарши олиб келиняпти. Бундай анжуманлар кўҳна ва замонавий ўзбек маданиятини оммалаштириш ишида фуқаролик жамияти институтларининг амалий иштирокини ҳамда зиёлилар салоҳиятининг улкан имкониятларини яққол намойиш этмоқда.

**Токио университети доценти Масато Хиватари**нинг маърузаси ноёб «маҳалла» институтига ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида маҳалланинг ролига бағишланди. М.Хиватари илмий мақсадларда юртимизда бир неча бор бўлгани боис анъанавий ва замонавий жамият ҳаётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятига доир ўз қарашларини баён қилди.

Олимнинг «ҳашар» ва «ташкил» сингари ўзбек халқининг жамоа бўлиб ишлаш анъаналари истиқлол йилларида қайта тикланганини ҳамда маҳалла ҳаётига боғлиқ фикр-мулоҳазалари меҳмонларда айниқса катта қизиқиш уйғотди. Таниқли мутахассис «ўзбек маҳалласининг ижтимоий йўналтирилган макон каби кенг хусусияти»ни эътироф этди. М.Хиватарининг сўзларига кўра, Японияда ҳам айнан «маҳалла»га ўхшаш ўзига хос институт – қишлоқ «мура»си мавжуд.

Давра суҳбати давомида М.Хиватари Токио университети нашриётида чоп этилган ўзининг «Иқтисод, бозор, тараққиёт: Ўзбекистоннинг жамоат тузилмалари» номли китобини иштирокчиларга тақдим этди.

— Ҳар бир халқнинг маданий-тарихий ва миллий ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берувчи анъанавий жамоат ташкилотларида, жумладан маҳаллада ҳам ноҳукумат ташкилотларининг амалий аҳамияти кузатилмоқда, — дейди **Кўнгиллилар (волонтёрлар) соҳасини ўрганиш бўйича Япония институти президенти Тошиюки Аоки.** – Ушбу соҳадаги қонун ижодкорлиги давлат томонидан рағбатлантирилиши лозим ва у босқичма-босқич, изчил хусусият касб этмоғи керак. Ўзбекистон ўз халқининг менталитети, тарихи ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда бошқа демократик давлатларнинг илғор тажрибаларини диққат билан ўрганмоқда ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиб келмоқда. Умуман олганда, Осиё мамлакатлари, жумладан Япония ва Ўзбекистон шароитида ноҳукумат ташкилотларининг анъанавий қадриятларни асраб-авайлаши фуқаролик жамиятининг ҳамиша муҳим вазифаси бўлиб келган.

**Япония нодавлат нотижорат ташкилотлари маркази Бош котиби Ёшинори Тажири**нинг эътироф этишича, замонавий Ўзбекистон давлатчилигининг қарор топиши даврида ноҳукумат тармоғи салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ноҳукумат ташкилотларининг фаолияти бундан яққол далолат бериб турибди. Унинг фикрига кўра, ўтказилган мазкур давра суҳбати Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан батафсил танишиш, ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг том маънодаги иштирокига ишонч ҳосил қилиш учун яхши имконият берди.

**«BHS» ассоциациясининг ижрочи директори Коичи Шинохара** ўзбек ва япон жамоат ташкилотларининг мазкур мулоқотини юксак баҳолади. У бу каби ҳамкорликни келгусида янада кенгайтириш, унга бошқа таниқли экспертлар, таҳлилчилар ва мутахассисларни ҳам жалб этиш, шунингдек ноҳукумат тармоғи ютуқлари, муаммо ва истиқболлари юзасидан доимий фикр алмашиб бориш лозимлигига урғу берди.

К.Шинохаранинг фикрича, бундай фикр алмашувлари ҳар икки томон учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бинобарин, ноҳукумат ташкилотлари фаолиятининг умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий андозаларидан ташқари, ҳар икки мамлакатнинг ўзи тўплаган, баъзан такрорланмас ҳисобланган тажрибалари бор.

**Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ этиш институти ижрочи директори Тетцуи Танака**нинг қайд этишича, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларининг ривожида янги босқич – аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётган мустақил жамоат ташкилотларининг юзага келаётгани кўзга ташланмоқда.

«Ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар олиб борилаётган ёш мустақил давлатда Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби ўсиб келаётган ёш авлодга миллий-маданий қадриятларни етказиш муҳим рол ўйнаяпти», — дея таъкидлайди Т.Танака.

Анжуман якунида икки мамлакат эспертлари, таҳлилчи ва мутахассислари бу каби мулоқотларни келгусида ҳам давом эттиришга келишиб олдилар.

**«Жаҳон» АА,**
**Токио шаҳри**

---

*Тиббиёт*

# УЮШМА САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

**ЎЗБЕКИСТОН ТУЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОЗОРНИ ЙОДЛАНМАГАН ОШ ТУЗИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ҲАМ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТМОҚДА. УЮШМАНИНГ ТУЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ҲАМ КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ БЕРМОҚДА.**

«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлашга доир илмий изланишлар асосида тегишли ҳужжатлар ҳам тайёрланди. Инсон танасида йод танқислиги натижасида пайдо бўладиган касалликлар муолажасини ташкил этиш жараёнлари самарадорлигига эришишда ҳам уюшма томонидан тақдим этилаётган тавсиялар ўз ижобий натижасини бераётир.

# ЯНГИ ДАСТУР

**ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИГА ТЕЗКОР ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА КЎРСАТИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРДАН БЕМОРЛАР МАМНУН БЎЛИШМОҚДА.**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг яқинда чиқарган «Аҳолига тезкор тиббий хизматни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи ҳам ушбу тармоқ ривожида муҳим омил бўлди.

Ҳозир пойтахтимизда уч тузилма бўйича тез ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Тезкор тиббий хизмат кўрсатиш республика илмий марказида ҳозир 60 та ўрин бор. Шундан 50 таси реанимацион муолажага мўлжалланган. Янги ҳужжат бўйича марказ фаолиятини замонавий даволаш усуллари асосида ташкил этишнинг йўл-йўриқлари ўз ифодасини топди.

# САНА МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

**ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ 145 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Аҳолининг ночор қатламига, Меҳрибонлик уйларига ва муҳтож кишиларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга бағишланган давра суҳбатлари чоғида ҳайрия тадбирлари уюштирилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада фаоллик кўрсатаётган ҳамширалардан бир гуруҳини «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлади.

*Санъат*

# УСТОЗ МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ

**УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ БОЛАЛАР МУСИҚА ЛИЦЕЙИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИГА АЙЛАНГАН. БУ БИЛИМ ДАРГОҲИДА ДИРИЖЁРЛИК САНЪАТИ СИНФИ ҲАМ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

Машғулотларни олиб боришда профессор Владимир Неймер ҳам ўзининг ижодий салоҳиятини намоён этмоқда. Моҳир дирижёр қўлида таҳсил олиб, мустақил ижод сари қадам қўйган ёш истеъдодлар эндиликда чолғу оркестрларига раҳбарлик қилишмоқда. Нилуфар Муҳиддинова, Русланбек, Ваня Денисенко ва бошқалар эса яқинда Исроил мамлакатида ижодий сафарда бўлиб, концерт дастурлари ижросини таъминладилар. Устоз меҳрини қозонган яна қатор ёш дирижёрларнинг гастроллари ҳам муваффақиятли ўтди.

# ТЕАТРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИНИНГ ТОМОША МАВСУМИ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ. «ТОҲИР ВА ЗУҲРА», «СЕВГИ ТУМОРИ» КАБИ СПЕКТАКЛЛАРНИНГ ҚАЙТА САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ ТОМОШАБИНЛАР ТОМОНИДАН ЯХШИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

Таниқли бастакор Мустафо Бафоевнинг опера-балет асари эса театр репертуаридан ўрин олди. Санъаткорларнинг чет элга қилган ижодий сафарларида энг яхши постановкалар намойиш қилинди.

Ҳозир янги ижодий мавсум репертуарини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

# СОВРИНДОР ФИЛЬМ

**«ШАКЕН ЮЛДУЗЛАРИ» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА АЛМАТИ ШАҲРИДА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА БИР НЕЧА ФИЛЬМ ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ.**

«Изтироб» номли бадиий фильм ҳам фестивалнинг совриндори деб эътироф қилинди. Ушбу экран асари ўзбек ва қозоқ киноусталари ижодий ҳамкорлигида суратга олинди. Режиссёр Бурхон Шаропов томонидан постановка қилинган мазкур бадиий тасма ҳозир муваффақиятли намойиш қилинмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

---

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЙЎЛ ҲАНГОМАСИ

Қисқа муддат Наманган сафарига отландик. Қўйлиқ шоҳ бекатидан бироз нарида жойлашган водий йўналиши бўйлаб қатнайдиган шахсий машиналар турадиган майдончага келдик.

— Ака, қаёққа борасизлар? —сўради қорачадан келган йигит қўлимиздан тутиб.

— Наманганнинг Косонсойига.

— Неча кишисизлар?

— Икки киши.

— Ҳар бирингиз учун 18 минг сўмдан тўлайсизлар. Шунга рози бўлсаларингиз машина тайёр. Ўтирамиз-у, жўнаб кетамиз.

— Мунча қиммат. Сал пастроқ тушинг.

— Майли, сизлар учун 15 мингдан бўлади, келишдикми?

— Яхши, олдин биз бошқалардан ҳам сўраб-суриштирайликчи, кейин сизга учрашармиз.

— Энг арзони шу. Тўппа-тўғри борадиган эшигингизгача олиб бориб қўяман.

Шошилиб тургандик, рози бўлдик. Йигит чаққон йўл халталаримизни кўтариб катта кўчанинг нариги бетида турган машина томон бошлаб кетди.

— Мана шу «Нексия» сизларга хизмат қилади. Бир зум кутасизлар. Ҳозир мен айтган бошқа икки йўловчи ҳам келади, — шундай дея у халталаримизни машина юкхонасига жойлаб, яна нариги томон ўтиб кетди.

Йигирма дақиқадан ортиқроқ вақт кутдик. Ниҳоят узоқдан йигит кўринди. У яқинимизга келиб:

— Акахон, бироз ўзгариш бўлиб қолди. Сизлар нариги Нексияда кетадиган бўлдинглар, — деди кулиб.

Сабабини сўрасак у ўша машина тайёрлигини, шу топда йўлга чиқишини айтди. Мижозлари келмай бизнинг олдимизда хижолат бўлаётганини ҳам қистириб ўтди.

Нима фарқи бор. Ишқилиб тезроқ жўнаса бўлди-да, деб айтилган машинага ўтирдик. Афсуски у машина ҳам бизни ўн дақиқадан ортиқроқ кутишга мажбур этди. Чунки ҳайдовчи яна икки йўловчини топиб келгунча шунча вақт ўтди орадан. Хуллас, машина тайёр, ўтирасизлару кетасизлар, дейилганига қарамай, бекатда ярим соат вақт йўқотишимизга тўғри келди. Йўлда биз билан ёнма-ён бораётган йўловчилардан келишилган нархни сўрадик, уларнинг ҳар бири 12 мингдан пул тўлашганини айтишди.

—Нега нарх икки хил? — Сўраймиз ҳайдовчидан.

—Бояги йигитдан мен сизларнинг ҳар бирингиз учун уч мингдан пул тўлаб сотиб олдим.

Ана холос. Мол бозорида даллоллар борлигини билардик, энди узоқ вилоятларга қатновчи машина турар жойларида ҳам ана шундай даллоллар пайдо бўлиб қолибди-да. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади. Водий йўналиши бўйлаб қатновчи ушбу машина бозори кимга қарашли? Унинг мутасаддилари борми? Бор бўлса наҳот улар ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозиру нозир бўлиб, яхши ният билан сафарга отланган йўловчиларнинг пулини туя қилишларига йўл қўйишади?

## КИМ КИМДАН ЎРНАК ОЛАДИ

Ёшликда ота-боболаримиздан эшитган панду-насиҳатларимиз ҳали ҳам қулоқларимиз остида жаранглайди. Катталарга гап қайтарма, қаерда бўлма ёши улуғларга жой бер, улар билан хушмуомалада бўл, ҳар бир гапингни ўйлаб гапир, мақтанчоқ бўлма, камтарин ва меҳнатсевар бўл, катталар гапирганда одоб сақлаб жимгина эшит», каби пурмаъно гапларни болаларга албатта ёшликдан гапириб қулоғига қуйиш зарур. Ҳозирги айрим ёшларга қараб туриб уларнинг ота-онаси қаерга қараяпти ўзи, кийиниш, сўзлашиш одоби нима учун бунчалар ўзгариб кетганига ҳайрон қоласан киши.

Яқинда автобусда бораётиб уч-тўртта ёш-яланг қизларнинг ёнида туриб қолдик. Вагонда одам сийрак бўлгани учун қизларнинг бир- бирлари билан қилаётган суҳбатлари атрофдагиларга баралла эшитилиб турарди. Аввало, уларнинг кийинишини кўриб ҳайратда қолдик. Тор жинси шим, европача калта кофта кийиб олишган бу қизларнинг оғизларидан чиқаётган беҳаё ва бемаъни сўзлардан ёқа ушладик.

Ўша куни бу ҳолдан кайфиятим бузилиб уйга қайтдим. Кечки пайт бир танишимга телефон қилишим зарур эди. Бир неча бор қўнғироқ қилиб туша олмадим. Телефон банд бўлаверди. Орадан бир соат ўтказиб яна қўнғироқ қилдим. Энди ўртага икки аёлнинг суҳбатлашаётгани тушиб уларнинг гаплари шундоққина эшитилиб турар эди. Яна қайта қўнғироқ қилишга тўғри келди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳамон ўша аёллар бир-бирларига дарду ҳасратларини баён қилишарди. Битаси, эрининг устидан шикоят қилса, иккинчиси қайнонасидан куйганини айтиб тугатолмасди. Хуллас, соатлаб телефонни банд қилиб, бир-бирига дардини айтиб улгура олмаётган бу аёлларнинг суҳбати жонимга тегиб гўшакни яна жойига қўйдим.

Хўш, энди айтинг, бу икки аёлнинг умид билан ўстираётган фарзандлари оталарини камситаётган, қайнонасининг панду насиҳатидан безор бўлганини достон қилаётган оналаридан қандай ўрнак олишар экан? Ана шу савол кишини қийнайди.

## АҚЛ ВА ИЛМ ХАЗИНА

Ақлли, илмли, бахту давлатга ақл ва илм хазинаси билан етажаклигини қалбига тугиб олган инсонлар албатта келгусида ўз орзуларига эришишлари шубҳасиз. Шу ҳақда бир ҳикоят. Зукко, ақлли бир йигит ўз бахтини тополмай, бир неча вақт саргардонликда юрди. Кунлардан бир кун Анушервон ҳодимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийлаларга қанчалик сабр қилмасин, фойда кўрмади. Қоронғу тунларни оғир хаёллар билан ўтказди. Шундай кунларнинг бирида, Анушервон мажлис уюштириб, ўз мулозимларидан:

«Энг юмшоқ нарса нима, —деб сўради. Ўтирганлардан бири «Шоҳи» деди. Иккинчиси эса «Товуқ парлари» деди. Бошқа бирови эса «Ипакдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми,—деди. Шу онда ҳалиги йигит ҳам сарой четида турган эди. Мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди:

—Энг юмшоқ нарса тинчликдир.

Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради:

—Энг яхши овқат қайси таом?

Танда ҳеч қандай иллат туғдирмайдиган таом энг яхши овқатдир, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон яна ундан:

—Гулларнинг энг хушбўйи қайси? — деб сўради.

—Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қиладиган, ўлгандан кейин уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон йигитни яхши тақдирлади ва ўз ҳакамлари орасига олди.

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## АМИРИЙ ҲИКМАТЛАР

Истар эрсанг даҳрдин жамъияти хотир,
Амир,
Ушбу оламдин ҳаво бирла ҳавасдин
ори ўт.

* * *

Меҳр эрмас зарраи саргаштасин
бехабар,
Ёр беларво эмасдур, ғам еманг,
аҳбоблар.

* * *

Кўп ҳарис ўлма жаҳон лаззатиға,
Комни аччиғ этар сафродек.

* * *

Раҳи мақсуд агар масдуддур узма умид
андин,
Юзига бу эшик боғланса, пайдодур
кушоди ҳам.

* * *

Тунсиз оқшом кўрмадим андоғки
фурқатсиз висол,
Борму ошиқлар аро маҳжури ҳижрон
бўлмоғон.

* * *

Нуқси давлатдур ўшал султонки боқмас
мардни,
Шоҳ номард ўлса, ул билмас диловар
қадрини.

* * *

Бир нафасдин ортуқ эрмастур сув
устида ҳубоб.

* * *

Кўп йиғитни қилди пири нотавон золи
фалак.

* * *

Истасангким, санга толеъ ўла хуршиди
висол,
Сайли ғам етгонида тоғ каби айла
сабот.

* * *

Томеъ ўлма гар азиз ўлмоқ хаёлин
истасанг,
Гул топилғонда таманнойи тикон қилмоқ
надур?

* * *

Эй хуш ул вобастаким, ушбу жаҳон
асбобидин
Ҳар нечаким бор эрур, аксардин
истиғноси бор.

* * *

Хурдадондур улки, дунё ишларин ёд
этмагай,
Баски ҳар нодон урунган ишни доно
айламас.

* * *

Ҳар кўнгул ишқдин огоҳ эрмас,
Ҳар садафда дури шаҳвор ўлмас.

* * *

Боғ аро гул васлидин маҳрум эмастур
хору хас.

* * *

Тугонлар бирла чархи кинапарвар
поймол айлар,
Бу маҳфил ичра улким, шамъ янглиғ
сарфароз эрмиш.

* * *

Олами фоний аро тузма иқомат
тарҳини,
Ким, даме оромгоҳи корвондур бу
работ.

* * *

Кимдур улким, келди бу оламга
шаҳдар бўлмади,
Бўлма ғофил, жойи осойиш эмастур
бу бисот.

* * *

Истасангким, чекмагайсан даҳр аро
нокомлиғ,
Олам аҳлидин ҳусули муддао қилма
тамаъ.

# ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕК РАҚСЛАРИ ГУЛДАСТАСИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ КАТТА АКАДЕМИК ТЕАТРИ ҚОШИДАГИ «САБО» МИЛЛИЙ РАҚС АНСАМБЛИ ЖАМОАСИ ҲИНДИСТОН МАМЛАКАТИГА ИЖОДИЙ САФАР УЮШТИРДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЗКУР МАМЛАКАТДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Айтиш жоизки, ўтган йилнинг декабрь ойида ҳам мазкур ансамбль Деҳли халқаро фестивалида иштирок этиб, санъат ихлосмандларининг олқишларига сазовор бўлган эди. «Сабо» ансамбли мамлакатимизнинг ёш ижодий жамоаларидан ҳисобланади. Бадиий раҳбар Муборак Мирзаева ва бош балетмейстр, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминовлар ҳар бир дастурга алоҳида тайёргарлик кўриб, миллий рақс санъатимизни ўзига хос жиҳатларини хорижда намойиш этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Бу гал «Сабо» санъаткорлари Ҳиндистоннинг уч йирик шаҳри – Деҳли, Шринагар ва Лакноуда юртимизнинг турли минтақаларига хос бўлган рақслардан ташкил топган махсус бадиий дастури намойиш этишди. Ундан ўрин олган Фарғона, Бухоро ва Тошкент услубидаги саҳна чиқишлари, Сурхондарё ва хоразмча рақсларнинг ўзига хос кўринишлари ҳар бир ҳиндистонлик санъат шинавандаларининг олқишларига сабаб бўлди.

— Ўзбекистонлик санъаткорларнинг рақслар гулдастаси ва уларнинг ижро маҳорати бизнинг томошабинларда катта таассурот қолдирди, — дейди Ҳиндистон маданий алоқалар кенгашининг минтақавий директори Т.Гиваргхизи. – Халқларимизнинг маданий ришталари азалийдир. «Сабо» ансамбли намойиш этган бадиий дастур ўзаро дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**«Жаҳон» АА**
**Деҳли**

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИМТИҲОНЛАР ПАЙТИ ЯҚИНЛАШАЁТГАН БЎЛСА-ДА, БИРОҚ КЎПГИНА УНИВЕРСИТЕТ ВА ИНСТИТУТЛАРДА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА ҲАМ МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЗЕРО, «СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ» ДЕГАН ҲИКМАТ БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН.**



*Саломатлик—туман бойлик*

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Чунончи, Тошкент Давлат аграр университети хотин-қизлар қўмитаси доцентлар Нодирахон Раупова, Комила Шодраимова, Раъно Ортиқова, ассистент Зуҳра Азимова ҳамда ўқитувчи Дилдора Муҳиддиновалар ташаббуси билан спорт кафедраси ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида шахмат, стол тенниси, волейбол, сузиш ва енгил атлетика бўйича хотин-қизлар спорти ўн кунлигини ўтказишга қарор қилдилар. Турнирда олий ўқув юртлариаро ўтказилган мусобақалар ғолиблари бўлмиш Мунисa Ўрмонова, Лобар Каримова, Ўктамой Набиева ва Тўхтахон Қорабоевалар ҳам иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, Тошкент Давлат аграр университетида мингдан ортиқ ўқитувчи ҳамда талаба хотин-қизлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти қисми соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида спорт мусобақаларида фаол қатнашдилар. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**
**Алексей Попов олган сурат**

*Турфа олам*

# ОНАЛАР ТАНЛОВИ

**ТИНИБ -ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР НИМАЛАРНИ ЎЙЛАБ ТОПИШМАЙДИ, ДЕЙСИЗ. РОССИЯНИНГ КРАСНОЯРСК ЎЛКАСИДА ОНАЛАР ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўлка маъмурияти томонидан ташкил этилган танловга иштирокчиларни аёллар маслаҳатхонасидан излаб топишга тўғри келди. Сабаби, танлов шартларига кўра оналар ҳомиладор бўлишлари шарт эди. Улар нафақат ҳомиладорлик пайтларида жозибали кўриниш бўйича, балкий уйдаги орасталик, сўнгги ойларда оналарнинг қандай йўл-йўриқларга амал қилишлари борасида ҳам беллашдилар. Шунингдек, бу танловда оналарнинг жуфтлари ҳам ўзларини намоён этдилар. Улар ой –куни яқин бўлган оналарга қандай кўмаклашиш, бола дунёга келиши олдидан қандай тайёргарлик кўриш, умр йўлдошларининг соғлиғи, кайфияти учун нималарга эътибор бериш ва нималар совға қилишлари юзасидан билимдонликларини кўрсатдилар. Ҳомиладор аёлларнинг турмуш ўртоқлари билан оҳиста рақс тушишлари ҳам беллашув шартларида мавжуд эди. Алёна исмли танлов иштирокчиси беллашувларни охирига етказолмади. Уни тез ёрдам машинасида туғруқхонага элтишга тўғри келди. Ўша куни ўғил фарзандли бўлган Алёнага танловнинг махсус мукофоти топширилди.

# ДИПЛОМЛИ БЕКАЛАР

**БИЗЛАРДА УЙ БЕКАСИ БЎЛИШ УЧУН АЛОҲИДА ДИПЛОМНИНГ КЕРАГИ ҲАМ ЙЎҚ. ЛЕКИН ПОЛЬШАНИНГ ТУРКОВИЦА ШАҲРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЎҚУВ ЮРТИДА АЛОҲИДА УЙ БЕКАЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ФАКУЛЬТЕТ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ.**

Албатта, бу ерга кириб ўқувчиларнинг сони кундан кунга ошиб бормоқда. Сабаби, айнан шу факультетни битирганлар тез орада ўзларининг жуфтларини топишлари осон кечади. Зеро ушбу ўқув даргоҳидаги қизлар оилани режалаштириш, келиб тушаётган маблағни тўғри сарфлаш, болалар парвариши, ўз танмаҳрамига эътибор кўрсатиш, унинг бошқа аёлларга ўралашиб қолмаслиги йўллари ҳам ўргатилади. Шунингдек, оиладаги саришталик, оила аъзоларини қандай тадбирларда қандай тарзда кийинтириш, ошхона юмушлари, хонадондагиларни лаззатли таомлар билан сийлаш, қолаверса, бир аёл қилиши мумкин бўлган барча ишлар мутахассислар томонидан атрофлича ўргатилади. Шунинг учун ҳам бундай ўқув даргоҳларини тамомлаган уй бекалари ажралишлар кузатилмаган.

# КЕМАДАГИ ВОҚЕА

**АВСТРАЛИЯДАН ИНДОНЕЗИЯГА УММОН ОРҚАЛИ ЖЎНАТИЛАЁТГАН БУҚАЛАР КЕМАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ПАЙТИДА ҚОЧИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИЛАР.**

Улар тўғридан тўғри шаҳар томонга юриш қилиб ўнг келган нарсани пайҳон қилиб ташладилар. Аввалига умрларида илк бора кўраётган кемага олиб чиқишдан чўчиб, катта сувдан қўрққан буқалар вахимага тушиб қутилиш пайига тушиб қолгандилар. Шаҳарга қочиб кетганларида ҳам уларни қўрқув тарк этмаганди. Бир буқа марказдаги супермаркетга кириб ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади. Яна биттаси эса мактабга бостириб кириб дарсларни тўхтатишга сабаб бўлди. Буқалар етти километргача шаҳар ичкарисига қочиб киришга ва йўлларида учраган нарсаларни пайҳон қилишга эришдилар. Шу тариқа буқалар ватанларини тарк этишни истамаган бўлсалар ҳам бир неча соатлик ҳаракатлардан сўнг ҳаммалари қўлга олинди ва Индонезияга жўнатилди. Бу воқеани шарҳлаган Австралия газеталари "Буқалар ватанларини тарк этишни истамасдилар" деган сарлавҳа билан чиқдилар.

# ЁЗУВЧИНИНГ БАШОРАТИ

**БУЮК ФАНТАСТ ЁЗУВЧИ ЖЮЛЬ ВЕРННИНГ АСАРЛАРИДА БАЁН ЭТИЛГАН КЎПЛАБ ХАЁЛ МАҲСУЛЛАРИ БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТДА ҲАМ АКСИНИ ТОПГАНЛИГИНИ КЎПЧИЛИК ЯХШИ БИЛАДИ.**

Шуниси эътиборлики, бир неча юз йил илгари Жюль Верн "Ер марказига саёҳат" асарида Ер қаъридаги уммон ҳақида башорат қилганди. Америка қўшма Штатлари ва Буюк британиялик олимлар ёзувчининг ёзганлари ҳақиқатда ҳам мавжудлигини исботладилар. Тадқиқотчилар аввалига заминимиз қаъридаги уммонни топишни асл мақсад қилиб қўймагандилар. Улар жуда кўплаб содир бўлаётган ер силкинишларининг сабабларини аниқлашга киришгандилар. Кутилмаганда эса Европа ва Осиёнинг минг километрлик қаърида катта уммон борлигини аниқладилар. Уларнинг олиб борган изланишларига кўра заминимиз остидаги уммоннинг Ер устидаги уммонлардан ҳам катталиги маълум бўлган. Шуниси эътиборлики, Жюль Верн уммонни айнан олимлар топган жойда эканлигини ҳам ўзининг асарида баён этганди.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ**
**тайёрланган**

**ПОЙТАХТДА КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ БЎЙИЧА ОЛТИНЧИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ТУРНИРНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИДА ҒОЛИБ БЎЛГАН ГЕЙМЕРЛАР ЎЗАРО БЕЛЛАШИШДИ.**

# ҒОЛИБЛАР ГЕРМАНИЯГА БОРАДИ

Инсоният ҳаётининг шиддат билан ривожланишида компьютер технологияларининг ўрни беқиёс. Бундан кейинги тараққиётда ҳам шубҳасиз, ушбу соҳанинг ўз ўрни бўлади.

Юртимизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли ёшлар орасида унга қизиқиш тобора ортмоқда. InfoCOM.UZ. журнали томонидан ташкил этилган "Word Cyber Games 2008" компьютер ўйинлари мусобақаси ҳам иқтидорли ёшларнинг илғор техника ва технологияларга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Мусобақанинг бу йилги финал босқичида нафақат пойтахт, балки мамлакатимизнинг бир қанча вилоятларидан келган ёшлар ҳам иштирок этди ва совринли ўринларни қўлга киритди.

–Аввало, барча ташкилотчиларга биз ёшларга қаратаётган эътиборлари учун ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди биринчи ўрин соҳиби, фарғоналик Сардор Абдуллаев. – Менинг мақсадим ушбу соҳага ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиб, ахборот коммуникация технологияларини юртимизда янада такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, айни пайтда мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари ривожида ёшларимиз ҳам фаол иштирок этаяпти. Улар энг замонавий илғор ускуналарни пухта ўзлаштирган ҳолда турли халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этмоқда. Хусусан, геймерларимиз олти йилдан буён бу борадаги билим ва иқтидорларини намоён этиб хорижда ўтказилаётган халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Бу йилги саралаш мусобақаларида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан уч минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Улар орасидан етмиш икки нафари республика финал босқичида ўзаро беллашди. Компьютер ўйинлари бўйича олтинчи Ўзбекистон чемпионатининг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими ҳақиқий байрам тусини олди. Мусобақанинг якуний босқичига етиб келган иштирокчилардан 72 нафари турли йўналишлар бўйича совриндор ўринларни қўлга киритиб, мукофотланди.

Танлов натижаларига кўра, тўққиз нафар геймерлар Германиянинг Кёльн шаҳрида ўтказиладиган "Гранд финал – 2008" мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Эътироф этиш жоизки, бу йил вилоятлар жамоалари ҳам мусобақаларда фаол иштирок этди. Бу эса геймерларни янада кенгроқ қамраб олиш имконини бермоқда.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**



— Нега ошхонангизда пашша кўп?

— Ширин, мазали таом тайёрлаймиз-да, ширин овқатга пашша келади, ака.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3189 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 . 3 4 5 6

Буюртма Г- 606

Топширилган вақти: 13.55